



ARTICLE INFO

Received: 14th December 2022

Accepted: 23th December 2022

Online: 24th December 2022

KEY WORDS

Moskva-Volga kanali, Dmitlag, mahbus, repressiya, Oq dengiz-Boltiq kanali, OGPU, kanal askari, O'zbekiston SSR, Xalq sudi, Jinoyat kodeksi.

Москва-Волга канали қурилишининг бошида бошланган изланиш ва лойиҳалаш ишлари шуни кўрсатдики, иш ҳажми жуда катта бўлиб, фақат ёлланма ишчи кучига таяниб бўлмас эди. Шунинг учун СССР Халқ Комиссарлари Совети канал қурилишини маҳбуслар кучига эга бўлган ОГПУ¹га топширди, бироқ канал қурилиши учун илмий, лойиҳавий ва техник масалалар жавобгарлиги Мосводоканал² зиммасида сақланиб қолди.

Бундан ташқари, Оқ денгиз-Болтиқ канали қурилишида ишдан бўшатирилган ишчи кучи, техник ходимлар ва жиҳозларнинг бир қисмидан канал қурилишида фойдаланишга рухсат берилди. Оқ денгиз-Болтиқ каналдан Москва-Волга каналига ишчи кучи ва

¹ Организация государственного политического управления – Давлат сиёсий ташкилоти бошқармаси – ДСТБ

² Мосводоканал – Москва сув канали ташкилоти

МОСКВА-ВОЛГА КАНАЛИ ҚУРИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТГАН ФАРҒОНАЛИК МАХБУСЛАР ТАҚДИРИ (1932-1938 й.)

Хасанов Жасурбек Маматқодирович

Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси
в.б. доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Телефон: +998996042002

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7481003>

ABSTRACT

Maqolada Stalin davridagi eng yirik Moskva-Volga kanallaridan biri qurilishining boshlanishi va Sovet Ittifoqiga qarshi qarashlarda asossiz ayblangan va hibsga olingan, egalikdan mahrum qilingan, farg'onalik asirlarning XX asrning 30-yillar Moskva-Volga kanali qurilishida ishtirok etgani ochib berilgan.

асбоб-ускуналарни ўтказиш ОГПУ зиммасига юклатилди.

Шу муносабат билан ОГПУ томонидан Дмитровда меҳнат-тузатув лагерини ташкил қилиш бошлаб юборилди. 1932 йил 14 сентябрда ОГПУнинг 889/с-сонли “ОГПУнинг Дмитров меҳнат-тузатув лагерини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи чиқди: 1) Маркази Москва области ҳудуди Дмитров шаҳрида жойлашган ОГПУнинг Дмитров меҳнат-тузатув лагери ташкил этилсин. 2) ОГПУнинг кадрлар бўлими Дмитров ОГПУ лагерини кадрлар билан таъминлашни яқунласин.

1932 йил 31 октябрда ОГПУнинг 1005-сонли “Волга-Москва каналини қуриш бўйича раҳбарлик таркибини тайинлаш тўғрисида” буйруғи чиқди. Буйруқда қуйидагилар келтирилган: 1) СССР Халқ Комиссарлари Совети Фармойиши билан “Волга-Москва” канали қурилиши ОГПУга юклатилсин. 2) И.Коган



Беломорстрой³ бошлиғи лавозими билан бир вақтда Волга-Москва канали қурилиши бошлиғи этиб тайинлансин. 3) Я.Д.Рапопорт Лагерлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ва Беломорстрой бошлиғининг ўринбосари лавозимлари билан бир вақтда “Волга-Москва” канали қурилиши бошлиғининг ўринбосари вазифасига тайинлансин. 4) Н.А.Френкель Беломорстройда ишлар бўлими бошлиғи лавозими билан бир вақтда “Волга-Москва” канали қурилиши бошлиғининг ёрдамчиси этиб тайинлансин. 5) Л.И.Беринзон ОГПУ молия бўлими бошлиғи лавозими билан бир вақтда қурилиш молия бўлими бошлиғи этиб тайинлансин [1: 232-б]. 6) А.И.Фидман Волга-Москва канали қурилиши бўйича бош муҳандис этиб тайинлансин. 7) С.Я.Жук Беломорстрой бош муҳандиси ўринбосари лавозими билан бир вақтда “Волга-Москва” канали қурилиши бош муҳандиси ўринбосари этиб тайинлансин. 8) Н.Ф.Шапошников Волга-Москва канали қурилиши бўйича бош муҳандис ўринбосари этиб тайинлансин. 9) Волга-Москва канали қурилиши бошқарувини қайта ташкил этиб, бу бошқарувда ва ОГПУ лагерларини бошқариш тизимида мавжуд параллел органларни бирлаштириш. 10) ОГПУ лагерлари бош бошқармасининг (5-бўлим) таъминот бўлиmidан мустақил техник таъминот бўлими (8-бўлим) ажратилсин. 11) М.С.Курин ОГПУ лагерлари бош бошқармасининг техник таъминот бўлими бошлиғи этиб тайинлансин.

³ Беломорстрой – Оқ денгиз канали қурилиши

1932 йил 4 ноябрида Беломорстройнинг собиқ маҳбуси В.Д.Журин, А.Н.Комаровскийнинг ўрнига лойиҳа бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Дмитров меҳнат-тузатув лагери Дмитров транзит пунктини ташкил қилиш билан бошланди, у ерга дастлаб қийин ҳаёт йўлини энди бошлаган ва бошқа лагерлардан кўчирилган маҳбуслар келишди. Транзит пункти бошлиғи этиб ГУЛАГнинг 5-таъминот бўлими собиқ бошлиғи А.Е.Сорокин тайинланди. У ОГПУнинг 889/с-сонли 1932 йил 14 сентябрдаги буйруғига асосан Дмитлаг⁴ бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинчалик бажариб келаётган Л.И.Коганнинг лавозимига тайинланди.

Этиб келган маҳкумлар дарҳол кечикмасдан ишга киришар эдилар. Дмитлагнинг асосий тузилмасига ҳали транзит пункти даражасида бўлгандаёқ аниқлик киритилган эди. Яъни, унинг таркибига умумий қисм мудир, иш ҳужжатларини юритувчи, машинист, комендант, асбобларга жавобгар шахс, омборчи, бухгалтерия ва таъминот, қурилиш бригадаси (прораблик) кирган эди. Ўша пайтда канал қурилишига тайёргарлик ишлари олиб борилаётган бир пайтда транзит пунктининг қурилиш бригадаси сабзавот омбори, казарма ва маҳбусларни жойлаштириш ҳамда иш бошлаш учун зарур бўлган барча турдаги ёрдамчи иншоотларни қуриш билан шуғулланган. Бундан ташқари, транзит пунктида тиббиёт бўлими, маданий-маърифий ҳамда рўйхатга олиш ва тарқатиш бўлимлари ташкил этилган эди. Улар биринчи навбатда қурилишга келган маҳкумлар

⁴ Дмитров меҳнат-тузатув лагери (1932-1938 йиллар)



билан шуғулланиши керак эди [1: 233, 234-б].

Транзит пунктда лагерь пунктлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз рақамига эга бўлган, уларнинг ҳар бирида лагерь бошлиғи томонидан маҳкумлар учун чекланган юриш жойлари белгиланган эди. Тунда бу зонада, яъни тақиқланган ҳудудда пайдо бўлиш, қочишга уриниш сифатида қаралар эди.

1932 йил 8 июнда Л.И.Коган “Москаналстрой”⁵ учун 105-сон буйруғини имзолади, унга кўра канал йўналиши Волга бўйидаги Иванкова қишлоғидан Москва дарёсидаги Перерва қишлоғигача бўлган 14 та қурилиш майдончасига бўлинган. Канал қурилиши жараёнида қурилиш майдонларининг чегаралари ва уларнинг номлари қайта-қайта ўзгартирилган.

Ҳатто Беломорстройда Л.Коган ташаббуси билан қурилиш илғорлари бўлган маҳбуслар 1932 йил 7 ноябрда “Каналоармеец” (каналчи-аскар) фахрий унвони билан тақдирландилар. Худди шу куни Волга-Москва каналини қуриш ва ОГПУнинг Дмитров меҳнат-тузатув лагери Бошқармасига буйруқ берилди, унда: “Бугун “Беломорстрой” каналчи-аскарлари деярли қуриб битказилган Беломорстройни мамлакатга топширган кун, ОГПУнинг Дмитров лагери маҳбуслари ўзларини Волга-Москва дарёси янги сув йўлини қурувчи каналчи-аскарлари деб эълон қилишлари керак эди.

Бу ном кейинчалик сақланиб қолмади, лекин бу сўз ўз даврида жуда фаол ишлатилган сўзлардан бўлди.

Кейинчалик Москва-Волга канали Маданий-оқартув бўлимнинг биринчи бошлиғи Ауэрбах барча штаблар ва ушликларга, меҳнат жамоаларига, зарбдор бригадаларга ва барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб шундай деб ёзган эди:

Дмитров лагерига бошқа лагерлардан келган маҳбусларнинг асосий қисми ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариш зарурлигини чуқур англаб, Темники, Свир, Белбалтлаг⁶ ҳудудларида чинакамига зарбдорларча ишладилар ва улкан меҳнат ютуқларига эришдилар. Улар ҳақиқий зарбдор ишчилар бўлиб, ўз меҳнат нормаларини ортиғи билан бажариш учун том маънода курашдилар. Шиддатли меҳнат жангида улар қояларни забт этдилар, табиат ҳодисаларини енгдилар, пешқадамлик учун курашдилар. Нормани 125 фоизга бажариш оддий ҳолат бўлиб қолган эди, шунингдек, норманинг 300-400 фоизини ташкил этган алоҳида рекордлар ҳам бўларди. Рапорт БВВДан⁷ келган “каналчи-аскар” маҳбуслар Дмитлаг меҳнат фронтида ташаббускор илғорлар бўлишларига ишонч билдирди. Каналдаги ишларни ташкил этиш ана шундай бошланди [1: 234-б].

Ишни ташкил этиш даврдан бошлаб, “пулни тежаш ва иш самарадорлигини кўтариш учун” Москаналстрой ва Дмитлаг Бошқармаларининг маъмуриятлари ишларнинг айрим турлари бўйича ягона бўлимларга бирлаштирилди. Улар Дмитлаг тасарруфига ўтади, бироқ тегишли масалалар бўйича чиқарилган

⁶ Белбалтлаг – Оқ-денгиз Болтик лагери

⁷ Беломорско-Балтийский водный путь – Оқ денгиз-Болтик сув йўли

⁵ Москаналстрой – Москва канали қурилиши



буйруқлар ҳар икки бошқарма бошлиқлари томонидан имзоланади. Бу бўлимлар қуйидагилар эди: молия, умумидоравий, Дмитровни прораблик бригадаси, транспорт, алоқа, умумий таъминот, техник таъминот, иш билан таъминлаш, санитария, маданий-оқартув, ўрмон хўжалиги, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хўжалик корхоналари (Канал қурилиши бошқармаси ва Дмитлагнинг 1932 йил 15 октябрдаги №11-сон буйруғи).

Лагерда ҳам, Москаналстройда ҳам барча турдаги қурилиш ишлаб чиқаришлари Қурилиш бошқармаси бошлиғи бўлимига бирлаштирилган эди. Ушбу бўлим қошида техник стандартлаштириш бюроси ташкил этилган эди. “Москаналстрой” техник таъминоти базаси ва лагерь муассасаларнинг барча от-улов хўжаликларини бошқариш ваколати Дмитлагнинг молия бўлими ҳисобига ўтказилди. Микашкан худудидagi от базаси бундан мустасно. Уни қурилиш ПРО⁸ бўлими идорасига олдилар.

Дастлаб, у ерда мавжуд бўлган мулк ва мураккаб бўлмаган техника жиҳозлари Дмитлагга Белбалтлаг ва Темлагдан етказиб келинган, уларни махсус тайинланган Дмитлаг комиссияси қабул қилиб оларди. Ушбу моддий кадриятлар Дмитлагнинг иқтисодий базасининг асосини ташкил этди. Кейинчалик базани кенгайтириш учун Ковров экскаватор заводи, Краматорск, Брянск, Днепропетровск, Ленинград заводлари ва бошқалар жалб қилинди. Бунда мамлакатнинг кўплаб корхоналари иштирок этди. Канални қуриш бўйича буюртмалар ўша давр учун замонавий

механизмлар ва жиҳозлар ҳисобидан амалга оширилди (СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1933 йил 7 декабрдаги 2640-сонли “Москва-Волга канали тўғрисида”ги қарори).

Бошқарманинг барча бўлимлари лагердаги инсонларнинг у ёки бу жиҳатлари учун жавоб берар эди. Дмитлагнинг ҳисоб-тақсимот бўлими маҳбусларни ишларга тақсимларди. Уларнинг лагерга келиш вақтлари ва кетиш вақтларининг ҳисобини, озодликка чиқариш, ўлим, қочқинлик ва бошқа лагерларга ўтиб кетиш, белгиланган нормани бажармаганларнинг қайдини олиб бориш каби ишларни юритарди. Каналда иш ҳажмининг ортгани муносабати билан 1933 й. 15 ноябрдаги 402-сонли буйруқ асосида ҳисоб-тақсимот бўлими янги этап билан кириб келганларга қарайдиган 20 нафар маҳбус ҳисобламаганда, уларнинг сони 117 нафарга етган эди [1: 235-б].

Москаналстрой ва Дмитлагнинг қўшма буйруғи билан ГУЛАГга ишчи кучи учун ариза бериш тартиби тасдиқланди, унга кўра қурилиш бошлиғи бошқарувидаги ишлаб чиқариш-иқтисодий бўлими (производственно-экономический отдел-ПЭО) ҳар ойнанинг ўнинчи кунига келгуси ой учун зарурий ишчи кучи сони ва яна неча нафар ишчига эҳтиёж бўлиши ҳақидаги маълумотларни аниқлаши керак эди. ГУЛАГга аризаларни топшириш Дмитлагнинг рўйхатга олиш ва тарқатиш бўлими орқали амалга оширилди эди (Москаналстрой ва Дмитлагнинг 1933 йил 23 мартдаги 36-сон буйруғи) [1: 235, 236-б].

⁸ ПРО – прораблик ишчи бўлими

⁹ ГУЛАГ – Лагерлар Бош бошқармаси



Москва-Волга канали қурилишида фарғоналикларнинг иштироки, у лагердаги фожиали тақдири, меҳнати, қисмати ҳақида маълумотларни қидириб топиш, тарихимизнинг аянчли саҳифаларини ёритиш борасида қилинадиган ишлар бисёрдир. Москва-Волга канали қурилишида иштирок этиб, Дмитлагда жазо муддатини ўтаган фарғоналиклардан айримларини келтирамиз:

Қодиров Ниёз 1904 йил туғилган, ишчи, хизматчи, оилали, аввал судланмаган, 12.12.1933 йил Қўқон шаҳар, Жарқўрғон райони Халқ суди томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 140,142,148-моддалари билан судланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 01.10.1933 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерига жазо муддатини ўташ учун юборилган [2: 21-в].

Охунбобоев Муроджон деҳқон, кулоқ, оилали, аввал судланмаган, 20.05.1934 йил Фарғона Халқ суди 43-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 80-моддаси билан судланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 10.04.1934 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини Волжск районида жазо муддатини ўтаган [3: 32-в].

Қирғизбоев Мирсоат 1903 йили туғилган, ишчи, оилали аввал судланмаган, 29.10.1933 йил Фарғона Халқ суди 41-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 186-моддаси билан судланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 27.07.1933 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув

лагерини Хлебниковск районида жазо муддатини ўтаган [3: 60-в].

Массова Мария Хоритовна 1909 йили туғилган, хизматчи, оилали, аввал судланмаган, 31.07.1933 йил Қўқон шаҳар Халқ суди 30-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 148-моддаси билан судланиб, 3 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 31.07.1933 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини 4-районида жазо муддатини ўтаган [4: 10-в].

Коробовский Александр Иванович 1908 йили туғилган, деҳқон, ишчи, уйланмаган, аввал судланмаган, 31.05.1933 йил Қўқон Халқ судининг 33-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 226-моддаси билан судланиб, 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 27.06.1933 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини 5-районида жазо муддатини ўтаган [5: 2-в].

Каримов Абдурашид 1900 йили туғилган, деҳқон, хизматчи, аввал судланмаган, 17.06.1934 йил Қўқон Халқ судининг 30-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 148-моддасининг 1 қисми, 152 моддаси билан судланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 17.06.1934 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини шарқий районида жазо муддатини ўтаган [5: 3-в].

Назаров Валентин Михайлович 1911 йили туғилган, ишчи, оилали, фарзанди бор, аввал судланмаган, 13.06.1933 йил Қўқон Халқ суди томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 226-



моддасининг ж банди билан судланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 16.06.1933 йилдан ҳисобланган. 10.08.1933 йил Дмитров меҳнат тузатув лагерига келган ва 12-районида жазо муддатини ўтаган [5: 2-в].

Эшонхонов Мақсудхон 1911 йили туғилган, диндор, кустар, оилали, фарзанди бор, аввал судланмаган, 21.03.1934 йил Қўқон райони Халқ судининг 35-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 230-моддасининг 2-қисми билан судланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 19.03.1933 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини Волжск районида жазо муддатини ўтаган [5: 2-в].

Сесюков Федор Михайлович 1896 йили туғилган, деҳқон, хизматчи, оилали, аввал судланмаган, 08.04.1934 йил Марғилон райони Халқ суди томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 148-модданинг 1-қисми билан судланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 15.02.1934 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини 10-районида жазо муддатини ўтаган [6: 13-в].

Верешагин Виталий Архипович 1897 йил туғилган, хизматчи, оилалик, аввал камомат бўйича судланган, 03.09.1934 йил Фарғона Халқ судининг Меж райони томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 97-моддасини 2-қисми билан судланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 13.08.1934 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини Вольжск 10-районида ишлаб, жазо муддатини ўтаган [7: 49-в].

Бозоров Сангин 1903 йил туғилган, камбағал деҳқон, оилалик, оилада 2 нафар, аввал судланган, 13.06.1934 йил Риштон райони Халқ судининг 165-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 97/3, 148, 149-моддалари билан судланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 13.06.1934 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерига жазо муддатини ўтаган [7: 63-в].

Головин Иван Алексеевич 1907 йил туғилган, темир йўл ишчиси, оилалик эмас, аввал судланган, 21.03.1934 йил Қўқон Халқ судининг 29-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 226-моддани "Д" банди билан судланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 21.03.1934 йилдан ҳисобланган. Дмитров меҳнат тузатув лагерини Вольжск 10-сонли районида ишлаб, жазо муддатини ўтаган [7: 68-в].

Мирюсупов Мамажалил 1905 йил туғилган, деҳқон, қулоқ, оилали, аввал судланмаган, 03.11.1933 йил Қува райони Халқ судининг 47-участкаси томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 80/3, 175/1-моддалари билан судланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддати 28.11.1933 йилдан ҳисобланган, 14.10.1933 йилдан Дмитров меҳнат тузатув лагерини 10-сонли районида ер қазувчи бўлиб ишлаб, жазо муддатини ўтаган [8: 90-в].

Халиулин Хамед 1909 йил туғилган, камбағал деҳқон, хизматчи, оилали, аввал судланмаган, 04.04.1934 йил Ўзбекистон ССР Марғилон райони Халқ суди томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 193-моддаси



билан судланиб, 6 йилга озодликдан
маҳрум қилинган. Жазо муддати
09.02.1934 йилдан ҳисобланган,

08.05.1934 йилдан Дмитров меҳнат
тузатув лагерини 10-районида жазо
муддатини ўтаган [9: 237-в].

References:

1. Овчинникова И.Г. ГУЛАГ и люди. – М.:2014. – 352с.
2. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 812-иш.
3. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 814-иш.
4. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 816-иш.
5. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 817-иш.
6. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 820-иш.
7. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 544-иш.
8. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 1508-иш.
9. ЎзМА, 86-фонд, 10-рўйхат, 1513-иш.